

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШУКУРОВ РАҲИМ САЛИМОВИЧ

**ТАЛАБАЛАРДА ТУРОН ЯККАКУРАШИ ВОСИТАСИДА
СОҒЛОМ ТУРМУШ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Шукуров Раҳим Салимович

Талабаларда турон яккакураши воситасида соғлом турмуш маданиятини
ривожлантириш 5

Шукуров Раҳим Салимович

Развитие культуры здорового образа жизни у студентов посредством
единоборства Турон.....

Shukurov Rahim Salimovich

Development of a culture of healthy lifestyle among students through single
combat Turon

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications.....

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШУКУРОВ РАҲИМ САЛИМОВИЧ

**ТАЛАБАЛАРДА ТУРОН ЯККАКУРАШИ ВОСИТАСИДА
СОҒЛОМ ТУРМУШ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Ped566 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кадилов Рашид Ҳамидович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Фурқат Қўлдошев
педагогика фанлари номзоди, профессор

Маъмуров Баходир Бахшуллаевич
педагогика фанлари доктори (DSc), профессор

Етакчи ташкилот:

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « _____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11 – уй. Тел: (0365) 221-29-14, факс: (0365) 221-29-14, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz Бухоро давлат университети зали,-қават, хона.

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси 11-уй. Тел.: (0365) 221-29-14; факс: (0365) 221-29-14).

Диссертация автореферати 2022 йил « _____ » _____ кун тарқатилди.
(2022 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С.Қ.Қахҳоров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

А.Р.Жўраев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.д (PhD), доцент

Ҳ.О.Жўраев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё маконида кечаётган глобаллашув муҳити, инсон саломатлигини асрашга йўналтирувчи технологияларнинг кенг кўламда ривожланишига олиб келмоқда. Инновацион ўзгаришлар шароитида дунё мамлакатларининг барча соҳаларида, барқарор тараққиёт йўлида ўзларининг ўринларига эга бўлиб бормоқда. Албатта, бунда ҳар бир давлатнинг табиий ва иқтисодий омиллари билан бирга инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялашга оид шарт-шароитлар яратиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш долзарб вазифалардан бири саналади. Олий таълим жараёнида талаба-ёшларнинг жисмоний ва руҳий саломатлиги бўлажак кадрлар компетентлигини белгилаб, таълим ва тарбия жараёнининг сифат кўрсаткичини намоён этади. Инсон ўзининг саломатлигини асраши, ривожлантириб бориши касбий фаолиятнинг муҳим ижтимоий-маданий аҳамият мезони эканлиги билан таълим муассасаларида ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар кўламининг ошиши кузатилмоқда.

Жаҳонда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний саломатлиги ҳар қандай халқнинг миллий қадрияти деб қаралиб, ушбу масала ҳам ижтимоий-педагогик вазифа сифатида фан ва таълим интеграциясини таъминловчи илмий тадқиқот ишларини олиб бориш зарурати намоён бўлмоқда. Таълим жараёнида талаба ёшларни соғломлаштиришга йўналтирувчи интеграл технологик моделларни татбиқ қилиш, уларнинг касбий фаолиятини оқилона ташкил этиш мазмунига инновацион ёндашувлар орқали педагогик жараённинг мазмунини такомиллаштириш масалалари алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Вужудга келган пандемия даврига хос ҳар қандай хасталик - бевосита бўлажак мутахассис кадрларнинг касбий-педагогик ва ижтимоий-маданий фаолият самарадорлигини пасайиб бориш тенденцияси тўғрисида тажрибавий далиллар мавжуд¹. Ҳозирги даврда Ўзбекистон аҳолисининг тиббий-демографик маълумотларига кўра талаба-ёшларнинг саломатлик даражаси муҳим ижтимоий кўрсаткичлардан саналади. Республикамизда соғлиқни сақлаш ҳамда жисмоний тарбия ва спортни ислоҳ қилиш юзасидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатларда ушбу соҳаларни такомиллаштиришда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини ривожлантиришда миллий спорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида аҳамият қаратилмоқда².

¹Лисицын Ю.П. Общественное здоровье и здравоохранение. - М.: Медицина, 2002. - 416 с. - ISBN 5-225-04552-9.; Медик В.А. Университетское студенчество: Образ жизни и здоровье / В. А. Медик, А. М. Осипов. - Москва: Логос, 2003. - 198, [2] с. ; 20 см. - Библиогр.: с. 197-199. - 1000 экз. - ISBN 5-94010-154-2.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2020 йил, 30 октябрь, ПФ-6099-сон, <https://lex.uz/docs/5077667>.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги ЎзРҚ-394-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 январь 2022 йилдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг тадбиқ этиш ва оммавий спортни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сонли фармонлари, 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ-330-сон “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2021 йил 28 апрелдаги “«Соғлом турмуш тарзи» платформаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 253-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқдисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимлари Ф.А. Керимов, М.Очилов, О.Мусурмонова, С.Нишоновна, У.Маҳкамов, У.Қорабоев, Ш.Ҳ.Хонкелдиев, Ф.К.Ахмедов, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимларидан Н.А.Андреев, Г.Л.Анапасенко, Р.М.Баевский, К.В.Балсевич, В.П.Казначеев, А.П.Берсенева, Ф.З.Мерсон, П.А. Виноградов, В.В. Колбанов, С.Г. Сериков, Т.Ф.Орехова, Д.Н.Узнадзе ва хорижлик олимлар D.Clark, A.Picciano, C.Dziuban J.Bersin, V.Greney, T.Kellaghan, M.Katarinalar тадқиқотларида инсон саломатлигини мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилишда жисмоний маданият кадриятлари билан ҳамоҳанг турли педагогик воситаларни амалга ошириш ўрганилган.

Миллий кураш турларининг кўп қирралиги махсус жисмоний машқлари ва уларни қўллаш методлари, мақсадга мувофиқ равишда олиб борилганда организмнинг асосий функцияларини ривожлантирувчи ва соғломлаштирувчи таъсир кўрсатиши, мамлакатимизда жисмоний тарбиянинг оммавий воситаси сифатида хизмат қилиши, ёш авлодни камолотга етказишда курашнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида А.Қ.Атоев, Ж.М.Нуршин, Р.С.Саломов, Ф.А.Керимов, Н.Ш.Бобомуродовларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Талаба-ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда жисмоний маданият ва спорт воситаларининг ўрни, жисмоний тарбия-педагогик жараён сифатида махсус машқлар (спорт турлари) воситасида инсонни ҳар томонлама жисмоний такомиллашуви ва ривожланишига тегишли таъсир хусусиятлари Р.С. Саломов, Т.С. Усмонхўжаев, А.Қ. Атоев, М.Н. Норқобилов, З.С. Мирходжаева, В.В. Махмудовлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ўз аксини топган.

Соғлом турмуш тарзи ва саломатлик маданиятини ривожлантириш, гигиеник тарбия, ёшлар тарбиясида валеологик тафаккур, талабалар саломатлигини сақлаш ҳамда тарғиб қилиш мотивлари, шахснинг психологик-педагогик даражаси бўйича В.Каримова, Э.Ғозиев, Н.Сафоев, З.Нишонов, О.Жамолиддинова, Э.Сейтхалилов, С.Ахмедова, М.Тоирова, Д.Шарипова, С.М.Абдиева, Н.Н.Азиходжаева, М.Т.Ахмедова, О.В.Гончарова, А.М.Усмонов, Ф.А.Керимов, Ж.Ш.Жамматовлар томонидан тадқиқ этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот режасининг ОТ-Ф1-002 “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” (2017-2020 йй.) мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабаларда турон яккакураши воситасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини назарий асослаш орқали таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабаларда соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш долзарб педагогик муаммо сифатида соғломлаштиришнинг илмий-назарий асосларини аниқлаштириш;

турон яккакураш спорти воситасида талабаларда соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг замонавий ахборот технологик “электив курс” дастурини, таълим шароитларидаги имкониятларини ҳамда педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш;

турон яккакураши воситасида талабалар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришга қаратилган ахборот технологияли таълим моделини такомиллаштириш;

“Электив курс” дастурига асосланиб талабаларда турон яккакураши воситасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг ахборот технологияли таълим компонентлари самарадорлиги тажрибавий асослаш ва амалиётга татбиқ қилишга доир методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ахборот технологияли таълим муҳитида талабалар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришга қаратилган турон яккакурашига йўналтирилган педагогик жараён танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети турон яккакураши воситасида талабаларда соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мавзуга оид илмий манбалар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув ва методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатув, ижтимоий сўров, педагогик тест, моделлаштириш, педагогик тажриба-синов, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълимни ахборотлаштириш шароитида “Жисмоний маданият” йўналиши талабаларини масофавий таълим шароитига тайёрлаш, ҳамда соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш жараёни, турон яккакураши воситасида инновацион адаптив-мослашув компонентида устуворлик бериш орқали такомиллаштирилган;

олий таълимни ахборотлаштириш шароитида жисмоний маданият таълими йўналиши талабаларининг соғлом турмуш маданиятини ривожланиш даражасини баҳолаш жараёнига инновацион-технологик кўникмалар ва турон яккакураш фанидан инновацион-педагогик билимларни ўзлаштириш мезонларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

ахборот технологияли таълим муҳитида талабаларнинг соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш мақсадида электив курс имкониятлари, ўқув-методик ва инновацион дидактик ресурслардан таркиб топган ахборот технологияли таълим модели мазмуни жараёнли, технологик, шахсга мўлжалланганлик ва аксиологик қадриятлар билан психологик, физиологик ва дидактик имкониятлар уйғунлигини ҳисобга олиш орқали такомиллаштирилган;

“Соғлом турмуш маданияти” номли электив курс дастурини ўқув жараёнига жорий этишда ахборот технологияли ўқитишнинг шакл ва методлари самарадорлиги асосланиб, турон яккакураши воситасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш методикаси таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турон яккакураши воситасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантирувчи замонавий электив курс дастури ва электрон ресурслари ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган;

тадқиқот материаллари, хулоса ва тавсияларидан жисмоний маданият таълим йўналишларида талабалар соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш тизимини ташкил этиш, фан дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув қўлланмаларини яратиш ҳамда ўқув-услугий мажмуаларни ишлаб чиқишда фойдаланилган;

турон яккакураши воситасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг моделини такомиллаштириш асосида “Миллий кураш турлари ва уни ўқитиш методикаси (Турон кураши)” номли ўқув қўлланма, “Кураш турлари ва уни ўқитиш методикаси (Турон)” номли дарслик ишлаб чиқилган ва жисмоний маданият таълим йўналишининг ўқув жараёнида фойдаланилган;

талабаларда соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришга қаратилган модел такомиллаштирилиб, ўқув жараёнининг педагогик шарт-шароитлари ишлаб чиқилган ва moodle.buxdu.uz масофавий таълим платформаси орқали амалиётда жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика усуллари таҳлили ёрдамида асослангани, хулоса,

таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабаларни соғломлаштириш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги тасаввурларнинг кенгайтирилганлиги, бу жараёнда турон яккакурашининг қўлланилиш имкониятлари ва талабалар саломатлигини мустаҳкамлаш муаммосига инновацион назарий ёндашувларни шакллантириш имконини берди, талабаларда соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган модели асосида жисмоний маданият таълим йўналиши ўқув дастурларини мазмунан оптималлаштириш имконияти яратилади ва ўз навбатида талабаларнинг олий таълим муҳитига тезкор мослашувчанлиги, касбий фаолияти самарадорлигини таъминлашга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти электив курслардан фойдаланилганлиги, талабаларнинг “Турон кураши ва уни ўқитиш методикаси” фанини чуқур ўзлаштириш, касбий фаолиятини амалий жараён билан интеграциялашнинг инновацион усуллари, бўлажак мутахассисларнинг соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш ва саломатлик даражасини ошириш бўйича ижобий натижаларга эришиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот хулосаларининг педагогик-психологик ва аксиологик ёндашувларга асосланган адекват бўлган мажмуавий усулларни қўллаб, тадқиқотнинг турли босқичларида олинган натижаларнинг репрезентативлиги ва тажриба-синов иши маълумотларининг статистик аҳамияга эга эканлиги, тадқиқот материалларида сон ва сифат таҳлилининг уйғунлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларда турон яккакураши воситасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар, тайёрланган илмий ва амалий тавсиялар асосида:

талабалар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг устувор ёндашувлари, олий таълимни ахборотлаштириш шароитида фанни ўқитишнинг замонавий интеграл таъминот ресурслари, турон яккакураши воситасида инновацион адаптив-мослашув компонентларини такомиллаштиришга йўналтирилган хулосалар “Турон миллий яккакураши” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 мартдаги 107-сон буйруғи асосида берилган 107-045 рақамли гувоҳномаси). Натижада, талабаларда соғлом турмуш маданиятига оид билим, амалий кўникмаларини ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт воситалари орқали саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, валеологик маданият, миллий кадрият, жисмоний саломатлик каби сифатларига устуворлик бериш орқали аниқланган бўлиб, жисмоний (адаптив) мослашувчанлигини тарбиялашнинг ўқув-услугий ва электрон ресурслар таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилган; турон яккакураши воситасида жисмоний маданият таълим йўналиши

талабаларининг соғлом турмуш маданиятини ривожланиш даражасини баҳолашга, билим ва кўникмаларини шакллантиришга доир таклифлар “Миллий кураш турлари ва уни ўқитиш методикаси” номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 25 августдаги 355-сон буйруғи асосида берилган 335-035-рақамли гувоҳномаси) ва (Ўзбекистон турон яккакураши федерациясининг 2021 йил 18 июндаги 28-сон маълумотномаси). Натижада, талабалар соғлом турмуш маданиятини, турон яккакураш спорти воситасида ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари ҳамда таълим самарадорлигини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ахборот технологияли таълим муҳитида талабалар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган таълим модели, ўқув ресурслари, ташкилий ва методик усуллари “Кураш турлари ва уни ўқитиш методикаси (Турон)” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябридаги 862-сон буйруғи асосида берилган 892-089-рақамли гувоҳномаси). Натижада, турон яккакураши воситасида талабалар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган “Соғлом турмуш маданияти” номли электив курснинг мазмуни қулайлик, визуаллик, амалий йўналганлик асосида такомиллаштирилган;

талабаларда турон яккакураши воситасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган “Электив курс” ташкил этилган, электрон ресурслар, маъруза матнлари, амалий машғулот ишланмалари, назорат саволлари, тестлар, тақдимотлар, 3D анимациялар ва видео материаллари ишлаб чиқилган, хулоса ва таклифлардан ОТ-Ф-02-рақамли «Спорт маданиятини ривожлантириш орқали ёшларда рухий ва онгли чиниқишини шакллантириш» номли фундаментал лойиҳада (2017-2020 йй.) белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 9 сентябрдаги 02-15/5138-сон маълумотномаси). Натижада, турон яккакураши воситасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг “Электив курс” тажрибалари амалиётга татбиқ этилиб, талабаларнинг мотивацион, кадриятли муносабатлар, жисмоний саломатлик, маънавий-ахлоқий сифатларини ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 7 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 27 та илмий-услугий ишлар чоп этилган бўлиб, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи асосида 1 та дарслик 2 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан, 3 таси хорижий журналларда 7 таси республика журналларида нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

хузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 3 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, 121 саҳифа матн, расмлар, жадваллар, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Турон яккакураши воситасида талабалар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг назарий асослари”** номли биринчи бобида соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш муаммосининг долзарблиги уни ҳал қилишнинг назарий ёндашувлари, педагогик воситалар ва технологияларнинг ишлаб чиқилганлик даражаси, инсон саломатлигини ҳисобга олиш тамойиллари, талаба шахсининг саломатлиги, талабалар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда турон яккакураши воситасининг ўрни хусусида фикр баён этилган.

Талабаларни соғломлаштиришда қуйидаги имкониятларни инобатга олиш лозим:

- саломатликни қадрият сифатида тушуниш;
- машғулот жараёнида тенгдошлари, ўқитувчилар ва ижтимоий фаоллар билан мулоқотда бўлиш;
- талабаларнинг соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, муҳитнинг салбий таъсирларидан ҳимоя қилишга оид иммунитетини шакллантириш;
- талабаларнинг жисмоний маданият ва валеологик билим, кўникма ва ютуқлар, ўзини-ўзи намоён қилиш, ўзини-ўзи ривожлантиришдаги аҳамиятини англаш.

Турон яккакураши миллий қадриятларни сақлаб қолган ўзбек миллий спорт тури сифатида халқаро спорт майдонидан муносиб ўрин эгалламоқда. “Турон кураши ва уни ўқитиш методикаси” фани олий таълим муассасаларининг жисмоний маданият ҳамда спорт фаолияти (фаолият турлари) таълим йўналишларида тавлов фан сифатида ўқитилмоқда.

Турон яккакураши, шуғулланувчиларида соғлом турмуш тарзини, саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тарбия жараёнида муҳим ўрин эгаллайди. Турон яккакураши соғломлаштирувчи восита сифатида ўзига хос жисмоний машқлар тизими мавжудлиги, инсонинг нафақат жисмоний, балки маънавий-ахлоқий жиҳатдан такомиллашиши учун имконият яратади. Турон яккакураши

воситасида талаба шахсининг саломатлигини ривожлантиришга - бу нафақат умумий қарорлар тизими, балки саломатлик ҳақидаги билим ва уни мустаҳкамлаш ўз-ўзини тарбиялашнинг махсус механизми ҳисобланади. Жисмоний маданият таълим йўналишида бу каби сифатларни ривожлантиришнинг потенциал имконияти ва педагогик бошқариш учун етарли даражада шарт-шароитлар мавжудлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Талабалар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг ахборот технологияли таълим хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари, электив курсларни ўқитиш хусусиятлари аниқланган ва турон яккакураши воситасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг ахборот технологияли модели такомиллаштирилган.


Олий таълим амалиёти анъанавий ва электрон таълим шакллариининг бирикмаси оммалашган даврда таълим дастурлари бўйича ўқитиладиган фаннинг мазмуни, мустақил таълим олиш ва индивидуал таълим траекториясини шакллантириш, таълим муассасасида ахборот технологияли таълим муҳитининг имкониятлари, ўқув-методик ва инновацион дидактик таъминоти асосида ўқув жараёнининг такомиллаштирилган модели назарий жиҳатдан асосланди.

Талабаларда соғлом турмуш маданият даражасини белгиловчи устувор шартлар қуйидагилардан иборат:

1. Фанларни ўзлаштириш жараёнида талабалар эътиборини мотивацион, қадриятли, ақлий фаолият компонентларини ривожлантиришга қаратишни таъминлаш.

2. Жисмоний маданият, спорт ва соғломлаштириш технологиялари орқали узлуксиз ўзини-ўзи ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг мақбул йўллари ва воситаларини аниқлаш мақсадида талабанинг рефлексив ҳаракатини ўз ичига олади.

Тадқиқот ишида таклиф этилаётган **“Талабаларда турон яккакураши воситасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган ахборот технологияли таълим модели”**нинг асоси сифатида педагогик жараённинг ўзаро боғланган механизм мажмуаси назарда тутилиб, унинг тузилиши, бир томондан яхлит бирлаштирилган, иккинчи томондан мослашувчан, динамик бўлиб, бу жараённинг ҳар бир янги босқичида мақбул режимда интеграциялашни ҳисобга олади (1-расм)га қаранг.



1-расм. Талабаларда турон яккакураши воситасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган ахборот технологияли таълим модели

Диссертациянинг «Талабалар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг ахборот технологияли таълим муҳитида тажрибавий асосланиши» номли учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш, олинган натижаларнинг таҳлили ва уларни қайта ишлаш билан боғлиқ маълумотлар келтирилган.

Тажриба-синов мақсадига кўра, талабалар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришга қаратилган ахборот технологияли таълим моделини синовдан ўтказиш билан боғлиқ бўлиб, ўрганилаётган жараён самарадорлигини оширишни таъминлашга қаратилган. Шундан келиб чиқиб, асосий мақсадни белгилаб берувчи ва очиб берувчи тажриба ишининг вазифалари, асосий йўналишлари ва мазмунига аниқлик киритиш талаб этилади.

Тажриба-синов ишлари бўйича қуйидаги вазифалар илгари сурилди:

1. Олий таълим муассасасида турон яккакураши воситасида талабаларнинг соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришга қаратилган педагогик шарт-шароитларни ташкил этиш хусусиятларини ўрганиш ва аниқлаштириш.

2. Шахс жисмоний маданиятининг энг муҳим таркибий қисми сифатида талабаларни саломатликка мўлжаллаб йўналтириш орқали соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг ахборот технологик таълим (электив курс) моделини ишлаб чиқиш ва “Moodle LMS” масофавий таълим амалиётида жорий этиш.

3. Электив курс жараёнида талабалар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришга эътиборни қаратиш, жумладан ўзини-ўзи ривожлантириш ва ўзини-ўзи такомиллаштиришнинг мақбул йўллари ва воситаларини аниқлаш учун талабанинг рефлексиясини жадаллаштириш, жисмоний маданият таълим йўналишининг ўқув ва дарсдан ташқари фаолият турлари, фанлараро интеграциясини таъминлаш.

4. Тажриба - синов ишларининг самарадорлигига ишончли баҳо бериш назоратларини аниқлаш ва амалда қўллаш:

- электив курс талабаларининг соғлом турмуш маданият асосларига бўлган қадриятли муносабатини ўрганиш ва статистик таҳлил қилиш;

- электив курс талабалари организмнинг функционал ўзгаришлар индекси бўйича адаптив салоҳиятини баҳолаш.

5. Жисмоний маданият таълим йўналиши шароитларида ўтказиладиган тажриба-синов натижалари асосида талабалар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришга доир хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда ташкил этилди.

Биринчи босқич - 2018-2019 йй., иккинчи босқич 2019-2020 йй., учинчи босқич 2020-2021 йй.ни ўз ичига олади.

Тажриба-синов ишлари жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларининг амалий иш, электив курс ва дарсдан ташқари вақтини мазмунли ўтказишни самарали ташкил этишга қаратилди.

Педагогик тажриба-синов ишларидан кўзланган мақсад электив курс иштирокчиларининг соғлом турмуш маданиятига бўлган қадриятли муносабатини ўрганиш ва математик-статистик таҳлил қилиш.

Педагогик тажриба-синов жараёнида (сайланма тўпلام сифатида электив курс талабалари $n_1=72$ тажриба бошида; $n_2=77$ тажриба охирида) талабалар ўзининг саломатлигини асраши, тафаккури ва соғлом турмуш маданиятига бўлган муносабатини ўрганиш учун тайёрланган сўровномадан фойдаланилди. Сўровнома тўртта вариантдан иборат бўлиб, талабаларда ўтказилган сўровнома жавобларини статистик таҳлил қилиш учун “нол гипотезаси” ва χ^2 мезон қўлланилди. Эътироф этиш жоизки, махсус адабиётларда фақат икки категорияга мўлжалланган χ^2 жадвали ва формуласи мавжуд. Ўтказилган тадқиқот моҳиятига кўра сўровнома туркумлارининг уч категорияли (Ҳа, Йўқ, Билмайман) жавобларини математик-статистик таҳлил қилиш учун χ^2 жадвали ва формуласидан фойдаланилди (1-жадвал)га қаранг.

1-жадвал

Сўровнома вариантларининг χ^2 мезони бўйича натижалари

Тажриба гуруҳлари	Категория “Ҳа”	Категория “Йўқ”	Категория “Билмайман”	Жавоблар йиғиндиси
Тажриба бошида $n_1=72$	1300	2152	88	1300+2152+88 = 3540 (n_1)
Тажриба охирида $n_2=77$	3531	553	305	3553+553+305 = 4411 (n_2)
Жами:	4831	2705	393	$n_1 + n_2 = N$

Педагогик тадқиқотларда α нинг қийматини 0.05 га тенглиги чекланади. Иккинчидан, ишончлилик айирмаси ёки фарқи $1 - \alpha$ ҳисобланади. Мазкур тадқиқот ҳолатида $1 - 0.05 = 0.95$ (яъни 95 % ишончлилик даражаси). Барча сўровнома бўйича χ^2 нинг $\alpha = 0,05$ бўлгандаги критик қиймат 5,99 га тенг.

$$\chi^2_{emp} = \frac{N(B_{t.b.} \cdot K_{t.o.} - K_{t.b.} \cdot B_{t.o.} - K_{t.b.} \cdot C_{t.o.} - C_{t.b.} \cdot K_{t.o.} - \frac{N}{3})^2}{(n_1 - n_2) \cdot (B_{t.b.} + B_{t.o.}) \cdot (K_{t.b.} + K_{t.o.}) \cdot (C_{t.b.} + C_{t.o.})}$$


Бу ерда, n_1 - тажриба бошида талабалар сони, n_2 - тажриба охирида талабалар сони, жами $N=n_1+n_2$, $B_{t.b.}$ - “ҳа” тажриба бошида, $K_{t.b.}$ - “йўқ” тажриба бошида, $C_{t.b.}$ - “билмайман” тажриба бошида, $B_{t.o.}$ - “ҳа” тажриба охирида, $K_{t.o.}$ - “йўқ” тажриба охирида, $C_{t.o.}$ - “билмайман” тажриба охирида - каби шартли белгилар ҳосил қилинди (2-жадвал)га қаранг.

Сўровнома бўйича жавоб вариантларининг қиёсий таҳлили

Сўровнома туркумлари		Тажриба бошида $n_1=72$			Тажриба охирида $n_2=77$			Сўровнома туркумлари
		Ҳа	Йўқ	Билмай-ман	Ҳа	Йўқ	Билмай-ман	
1	$n_1=1224$	345	627	252	1075	82	152	$n_2=1309$
2	$n_1=1080$	265	727	88	821	307	27	$n_2=1155$
3	$n_1=1008$	330	458	220	932	70	76	$n_2=1078$
4	$n_1=792$	360	340	92	703	94	50	$n_2=847$
Жами: 4104		1300	2152	652	3531	553	305	Жами: 4389

Электив курс самарадорлигини тадқиқ этиш сўровнома бўйича талабалардан олинган алоҳида жавоб вариантларини статистик таҳлил қилиш натижасида ҳосил бўлган эмпирик кўрсаткичлар уларнинг қабул қилинган критик қийматидан катта.

Сўровнома бўйича жавоб вариантларининг қиёсий таҳлилига оид маълумотлар умумлаштирилиб диаграмма кўринишида акс эттирилди (2-расмга) қаранг.



2-расм. Электив курс талабаларида ўзларининг соғлом турмуш маданиятига бўлган муносабатларининг ижобий ўзгариши диаграммаси

Демак, илгари сурилган гипотезаларда (H_0) гипотеза рад этилади, (H_1) муқобил (альтернатив) гипотеза, яъни тажрибадан олдинги ва кейинги сўровнома натижалари ўртасида фарқнинг статистик мавжудлиги исботланди. Электив курс талабаларнинг соғлом турмуш маданияти асосларига муносабати, жисмоний маданият ва спорт билан шуғулланиш истагининг шаклланганлиги, ўқув фаолиятига бўлган муносабати, талабалар нигоҳида соғлом турмуш маданияти “электив курс” машғулотининг жозибадорлигини аниқлаш бўйича ўтказилган статистик таҳлил натижасига кўра ижобий ўзгаришлар қайд этилди.

Турон яккакураши воситасида талабалар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг ахборот технологияли таълим модели самарадорлигининг иккинчи шарти, талабалар организмнинг олий таълим жараёнига функционал (адаптив) мослашув имкониятларини текширишдан иборат.

Турон яккакураши воситасида соғломлаштириш машғулоти билан шуғулланадиган талабаларда мажмуавий назорат синовлари воситасида индивидуал саломатлик даражасини (Г.Л.Апанасенко)нинг экспрес баҳолаш усулидан фойдаланилди.

“Турон кураши ва уни ўқитиш методикаси” фанидан соғлом турмуш маданияти номли электив курс, таълим соҳасида шахсни ҳар томонлама ривожлантиришнинг муҳим компоненти сифатида қаралиб, талабаларнинг олий таълим муҳитига мослашувчанлигини, жисмоний саломатлик ҳолатини баҳолаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари 3-жадвалда ўз аксини топган.

3-жадвал

Электив курс талабаларининг функционал ўлчов натижалари

	Назорат синовлари ва ўлчов бирликлари	Тажриба бошида n=63		Тажриба охирида n=60		Фарқи	%	t	p
		$\bar{X} \pm \sigma$	V%	$\bar{X} \pm \sigma$	V%				
	Тинч ҳолатда юрак томир қисқариш сони (бир дақиқали марта)	77,0 ± 4,59	5,9	68,3 ± 5,8	8,5	8,7	12,7	6,36	P < 0.05
	Юқори систолик қон босими (симоб устуни мм.)	132,5 ± 8,21	8,0	119,9 ± 5,67	4,7	11,6	10,5	3,37	P < 0.05
	Пастки диастолик қон босими (симоб устуни мм.)	83,4 ± 8,26	9,9	77,1 ± 5,17	6,7	6,3	8,1	1,72	P < 0.1
	Вазн ўлчаш (кг)	73,1 ± 9,78	17,1	68,9 ± 6,16	8,9	3,2	4,9	1,04	P < 0.1

	Бўй ўлчами (см)	171,7 ± 7,04	8,9	172.0 ± 6,9	4,9	0,3	1,7	0,09	P > 0.1
	Адаптив салоҳият индекси	2,5 ± 0,22	8,9	2,1 ± 0,13	6,2	0,4	19	5,86	P < 0.001

Адаптив салоҳият тажриба охирида $2,1 \pm 0,13$ индексни ташкил этди. Ҳар икки ҳолатда ўлчаш натижаларининг тебранувчанлиги 8,9 % ва 6,2 % вариация коэффициентининг кичик қийматига тенг. Натижалар қиёсий таҳлил қилинганда 19 % фарқ билан ($P < 0.001$) ишончлиги аниқланди.

Тажриба-синов ишларига оид маълумотлар умумлаштирилиб диаграмма кўринишида акс эттирилди (3-расм)га қаранг.



3-расм. Тажриба гуруҳ талабаларида адаптив салоҳият индексининг ўзгариши диаграммаси

Тажриба охирида электив курс талабалари организмнинг функционал ўзгаришлар индекси 2,1 баҳолаш мезонига мувофиқ қониқарли мослашувнинг чегаравий ҳолатига томон ижобий силжиш билан тавсифланади.

Жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларининг соғлом турмуш маданияти ва олий таълим муҳитига адаптив мослашувчанлигининг фаолият самарадорлиги муҳим шартлардан бири, тажриба охирида талаба шахсини саломатлигига мўлжаллаб йўналтиришнинг ахборот технологияли таълим модели самарадорлигини тасдиқлади ҳамда электив курсни ўқитишда талабаларнинг кўрсаткичлари ижобий ўзгаришининг ҳаққонийлигини кўрсатди.

ХУЛОСА

1. Бугунги кунинг глобаллашув муҳитдаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муносабатларнинг замонавий шарт-шароитларида рақобатбардош мутахассис кадрларга бўлган талабларни ҳисобга олиш ва таълим муассасаларида мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, талабалар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган ахборот технологияли таълим моделларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашни тақозо этади.

2. Ҳозирги олий таълим шароитида технологик ёндашувлардан фойдаланиб саломатликни муҳофаза қилиш технологиялари талабалар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг энг таъсирчан воситаси бўлиб ҳисобланади.

3. Глобаллашув даврида олий таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг саломатлигини индивидуал тажриба маҳсули бўлган, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини намоён қилишнинг махсус механизми сифатида тан олинган ахборот технологияларини кенг қўламда амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

4. Талабалар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришга бўлган кескин эҳтиёж, олий таълим муассасаларида мавжуд назарий ёндашувлар, педагогик восита ва инновацион таълим имкониятларини ривожлантириш, ёшларнинг ўз саломатлигини сақлаш ва соғломлаштириш жараёнларига муносабати, соғлиги, қизиқиши ва фаоллигини эътиборга олишни тақозо этади.

5. Талабалар соғлом турмуш маданиятини ривожлантирувчи такомиллаштирилган ахборот технологияли таълим модели самарадорлиги, таълим дастурлари бўйича ўқитиладиган фаннинг мазмуни, таълим олувчилар ёши, уларнинг мустақил таълим олишга тайёрлиги, таълим муассасасида ахборотли таълим муҳитининг ўқув-методик ва дидактик имкониятларининг таъминот даражаси билан боғлиқлик жиҳатларини назарда тутиш талаб этилади.

6. Олий таълим стратегияси асосида ўзини-ўзи бошқара олувчи субъект даражасида талаба шахсини ўзгартиришга йўналтирилганлиги, таълим йўналишларида ўқитиладиган асосий фанлар ва ушбу фанларни чуқур ўзлаштириш, саломатликни сақлаш воситаси сифатида замонавий ахборотлаштирилган “электив курс” машғулотларини ташкил этиш орқали талабаларда соғлом турмуш маданияти ва саломатлигини назорат қила олувчи шахс сифатларини юқори касбий тайёргарлигини интеграциялашни ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишга хизмат қилади.

7. Электив курс талабаларининг индивидуал мослашув салоҳият қийматларини статистик таҳлил қилиш орқали талабаларда жисмоний саломатлик (адаптив салоҳият) ҳолатининг даражавий ўзгариш хусусиятларига кўра индивидуал пульс, систолик ва диастолик қон босими, вазн, бўй функционал ўлчовлари бўйича ижобий ўзгаришлар аниқланди.

8. Электив курс талабалари организмининг функционал ўлчовлари - пульс, қуйи ва юқори қон босими, вазн, бўй кўрсаткичларининг тажриба охирида ёшга хос умумқабул қилинган меъёр талабларига мослашгани ва функционал ўзгаришлар индексига мувофиқ қониқарли мослашувнинг чегаравий ҳолати ижобий силжиш билан ишончли ўзгариш қайд этилди.

9. Тажриба-синов жараёнида ўтказилган статистик таҳлиллар, турон яккакураши воситасида талабалар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган ахборот технологияли таълим модели самарадорлигини тасдиқлади ва таклиф этилган мезонлар ва кўрсаткичларнинг статистик ҳаққонийлигини кўрсатади.

ТАВСИЯЛАР

1. Жисмоний маданият таълим йўналиши (спорт фаолият турлари)нинг дарс машғулоти жараёнида, талабаларда жисмоний саломатликнинг қадрият мўлжалларини ривожлантиришда қуйидаги имкониятларини эътиборга олиш лозим: саломатликни қадрият сифатида тушуниш; тенгдошлари, ўқитувчилар, фаол инсонлар билан мулоқот; соғлом турмуш тарзи қўникмаларини ошириш, саломатликни мустаҳкамлаш, муҳитнинг салбий таъсирларига адаптив мослашув; жисмоний маданият ва валеологик билим, қўникма ва ютуқлар саломатликнинг ўз-ўзини намоён қилиш, ўз-ўзини ривожлантиришдаги ролини аниқлаш; талабаларнинг дарсдан ташқари фаолиятининг салбий таъсирини бартараф этиш (юмшатиш) ва уларнинг ҳаётий тажрибасининг ижобий манбаларини (масалан, жисмоний маданиятнинг муайян туридаги машғулоти билан шуғулланишнинг нуфузи ва фойдалилигини) ажратишни назарда тутиш.

2. Глобаллашув даврининг экологик, иқтисодий ва ахборот оқими, таълим дастурлари мазмуни талабалар ҳаётида юз бераётган фавқуллодда ва синовли вазиятлар стресс ва асабий тарангликни келтириб чиқариши сабабли жисмоний маданият таълим йўналиши (спорт фаолият турлари) ўқув режасининг мутахассислик фанлари таркибида танлов фан соатлари ҳисобидан турон яккакураши воситасида соғлом турмуш маданиятни ривожлантиришнинг замонавий такомиллаштирилган ахборот технологияли таълим модели олий таълим амалиётида йўлга қўйиш самарадорлик гарови саналади.

3. Жисмоний маданият таълим йўналиши, спорт фаолият турлари ўқув режасининг мутахассислик фанлари бўйича ахборот технологияли таълим моделини ва ўқув методик таъминоти (электрон ресурс)ни ишлаб чиқиш талаб этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/30. 12.2019.Ped.72.04 ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ШУКУРОВ РАХИМ САЛИМОВИЧ

**РАЗВИТИЕ КУЛЬТУРЫ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ У
СТУДЕНТОВ ПОСРЕДСТВОМ ЕДИНОБОРСТВА ТУРОН**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

АВТОРЕФЕРАТ

**диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

БУХАРА – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.3.PhD/Ped566.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.buxdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Кадиров Рашид Хамидович

кандидат педагогических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Ахмедов Фуркат Кулдошевич

кандидат педагогических наук, профессор

Маъмуров Баходир Бахшуллаевич

доктор педагогических наук, (DSc), доцент

Ведущая организация:

Каракалпакский государственный университет имени Бердаха

Защита диссертации состоится «___» _____ 2022 года в ___ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200118, город Бухара, улица, М.Икбол. дом 11. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-29-14, email: buxdu_rektor@buxdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирована по № ___). (Адрес: 200118, город Бухара, улица, М.Икбол. дом 11. Тел.: (65) 221-29-14); факс: (65) 221-29-14).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 года.

(реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2022 года).

С.К. Каххоров

Председатель Научного Совета по
присуждению учёных степеней,
д.п.н., профессор

А.Р.Жураев

Учёный секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.ф.п. н. (PhD), доцент

Х.О. Жураев

Председатель Научного семинара при
Научном Совете по присуждению
учёных степеней, д.п.н., (DSc), доцент.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Процессы глобализации в мировом пространстве приводят к широкомасштабному развитию технологий, направленных на защиту здоровья человека. В условиях инновационных изменений всех сфер в странах мира на пути устойчивого развития они завоевывают своё место. Безусловно, наряду с природными и экономическими факторами каждой страны одними из актуальных задач являются укрепление здоровья человека, создание условий для всестороннего воспитания подрастающего поколения, повышения его интеллектуального потенциала. В процессе обретения высшего образования физическое и психическое здоровье студентов определяет компетентность будущих кадров и демонстрирует показатель качества учебно-воспитательного процесса. Поскольку сохранение и развитие здоровья человека является важным социокультурным критерием профессиональной деятельности, происходит увеличение масштабов исследований, направленных на повышение эффективности обучения в образовательных учреждениях.

Физическое здоровье подрастающего молодого поколения во всём мире рассматривается как национальная ценность каждого народа, и этот вопрос также показывает необходимость проведения научно-исследовательских работ, обеспечивающих интеграцию науки и образования как социально-педагогической задачи. В образовательном процессе особое значение приобретает внедрение интегральных технологических моделей, направленных на укрепление здоровья студенческой молодёжи, совершенствование содержания педагогического процесса посредством инновационных подходов к содержанию и рациональной организации их профессиональной деятельности.

Имеются экспериментальные данные о тенденции снижения эффективности профессионально-педагогической и социально-культурной деятельности будущих кадров-специалистов, характерной для любого заболевания в период пандемии¹. В настоящее время, согласно медико-демографическим данным населения Узбекистана, уровень здоровья студентов и молодёжи является одним из важных социальных показателей. В принятых в нашей республике нормативно-правовых документах по реформированию здравоохранения и физической культуры и спорта в процессе совершенствования этих направлений при развитии здорового образа жизни популяризация среди населения и развитие национальных видов спорта рассматриваются как одно из важных направлений государственной политики².

¹Лисицын Ю.П. Общественное здоровье и здравоохранение. - М.: Медицина, 2002. - 416 с. - ISBN 5-225-04552-9.; Медик В.А. Университетское студенчество: Образ жизни и здоровье / В. А. Медик, А. М. Осипов. - Москва: Логос, 2003. - 198, [2] с. ; 20 см. - Библиогр.: с. 197-199. - 1000 экз. - ISBN 5-94010-154-2.

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-6099 от 30 октября 2020 года «О мерах по широкому внедрению здорового образа жизни и дальнейшему развитию массового спорта», <https://lex.uz/uz/docs/5077669>.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, обозначенных в Законе Республики Узбекистан № 394 от 4 сентября 2015 года «О физической культуре и спорте», Указе Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Указе Президента Республики Узбекистан № УП-6099 от 30 октября 2020 года «О мерах по широкому внедрению здорового образа жизни и дальнейшему развитию массового спорта», Постановлении № ПП-330 от 2 октября 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию национального вида спорта «Кураш», Постановлении № 253 от 28 апреля 2021 года «О мерах по организации деятельности платформы «Здоровый образ жизни», а также других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением науки и технологий в республике I. «Формирование системы и инновационных идей и пути их внедрения в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информатизированного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. В исследованиях учёных нашей республики Ф.А. Керимова, М.Очилова, О.Мусурмоновой, С.Нишоновой, У.Махкамова, Ю.Корабоева, Ш.Х.Хонкелдиева, Ф.К.Ахмедова, учёных Содружества Независимых Государств Н.А.Андреева, Г.Л.Анапасенко, Р.М.Баевского, К.В. Бальсевича, В.П. Казначеева, А.П. Берсеновой, Ф.З. Мерсон, П.А. Виноградова, В.В. Колбанова, С.Г. Серикова, Т.Ф.Ореховой, Д.Н.Узнадзе, также зарубежных учёных, таких, как D.Clark, A.Picciano, C.Dziuban J.Bersin, V.Greney, T.Kellaghan, M.Katarina было изучено применение различных педагогических средств в сочетании с ценностями физической культуры при укреплении и охране здоровья человека.

Идеи о многогранности видов национальной борьбы, специальных физических упражнениях и способах их применения, оказании развивающего и оздоровительного эффекта на основные функции организма при целесообразном их выполнении, выполнении функции массового средства физического воспитания в нашей стране, и важном значении борьбы кураш в гармоничном воспитании подрастающего поколения нашли своё отражение в научно-исследовательских работах А.К.Атоева, Ж.М.Нуршина, Р.С.Саломова, Ф.А.Керимова, Н.Ш.Бобомуродова.

Роль физической культуры и спорта в развитии культуры здорового образа жизни у студенческой молодёжи, особенности влияния специальных упражнений (видов спорта) в качестве физического воспитательно-педагогического процесса на всестороннее физическое совершенствование и развитие человека нашли своё отражение в исследованиях, проведённых

Р.С. Саломовым, Т.С. Усмонходжаевым, А.К. Атоевым, М.Н. Норкобиловым, З.С. Мирходжаевой, В.В. Махмудовым.

Проблемы формирования здорового образа жизни и культуры здоровья, гигиенического воспитания, валеологического мышления в воспитании молодёжи, мотивов пропаганды сохранения и укрепления здоровья студенческой молодёжи, психолого-педагогического уровня личности были исследованы В.Каримовой, Э.Гозиевым, Н.Сафоевым, З.Нишоновым, О. Жамолидиновой, Э.Сейтхалиловым, С.Ахмедовой, М.Тоировой, Д.Шариповой, С.М.Абдиевой, Н.Н.Азиходжаевой, М.Т.Ахмедовой, О.В.Гончаровой, А.М.Усмоновым, Ф.А.Керимовым, Ж.Ш.Жамматовым.

Связь исследования с планами исследовательских работ вуза, в котором выполнена диссертация. Диссертация выполнена в соответствии с планом научно-исследовательских работ Бухарского государственного университета в рамках проекта ОТ-Ф1-002 «Психологические механизмы формирования национальной идеи и идеологического иммунитета у молодёжи» (2017-2020 гг.).

Цель исследования - разработка научно-методических рекомендаций, направленных на повышение эффективности обучения путём теоретического обоснования педагогических условий развития культуры здорового образа жизни у студентов посредством единокорства Турон.

Задачи исследования:

уточнение научно-теоретических основ укрепления здоровья в качестве актуальной педагогической проблемы развития культуры здорового образа жизни у студентов;

разработка программы «элективного курса», базирующейся на современных информационных технологиях развития культуры здорового образа жизни у студентов посредством единокорства Турон, а также возможностей и педагогических условий в условиях образовательной среды;

совершенствование модели информационно-технологического образования, направленной на развитие культуры здорового образа жизни студентов посредством единокорства Турон;

разработка методических рекомендаций по экспериментальному обоснованию эффективности использования информационно-технологических образовательных компонентов развития культуры здорового образа жизни у студентов посредством единокорства Турон и практической реализации на основе программы «Элективный курс».

